

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят Ахборот-кутубхона маркази

Ахборот-библиография бўлими



# Биринчи профессор Биринчи профессор

Ўзбек математик олими, педагог,  
давлат арбоби Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий  
таваллудининг 120 йиллигига

Эслатма

Фарғона – 2017

Фан ва маданият ривожланишининг муайян босқичларида ўзига хос муаммолар пайдо бўлиши табиийдир. Ўтган асрнинг йигирманчи, ўттизинчи йилларида Ўзбекистон табиий, математика, техника фанларидан ўзбекча терминологияни яратиш зарурати туғилди. Таъкидлаш жоизки, бундай мураккаб илмий муаммонинг ечимини топишда фидойи олим Тошмуҳаммад Қори Ниёзийнинг хизматлари катта бўлди.

Бутун умрини ва илмий фаолиятини фанни ривожлантиришга бахшида қилган Қори-Ниёзий 1897 йил 2 сентябрда Хўжандда қосиб оиласида таваллуд топди. Болалиги қийинчилик билан ўтган Тошмуҳаммад дастлабки маълумотини эски мактабда олиб, кейин Фарғона рус – тузем мактабида таҳсил олди.

Йигирма ёшли Қори-Ниёзий Фарғона вилоятида биринчи ўзбек мактабини ташкил этди. Орадан уч йил ўтгач, бу мактаб дорул – муаллимин таълим-тарбия курси билан қўшилиб, ўша даврдаги йирик илм маркази – Фарғона вилояти педагогика техникумига айлантирилди ва Қори-Ниёзий унга директор этиб тайинланди.

1926 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, уни муддатидан олдин тугатиб, шу университетнинг ўзида ўқитувчи, профессор, кейинчалик ректор бўлиб ишлади. Олий ва элементар математика бўйича оригинал тадқиқотлар муаллифи, ўзбек математика терминалогиясининг асосчиси Қори-Ниёзийнинг тўрт жилддан иборат “Математика анализининг асосий курси” китоби ўз даврида муҳим дарслик вазифасини ўтади.

Ўзбекистонда кўпгина фан соҳаларига биринчилардан бўлиб қўл урган олим Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий эди. У Ўзбекистонда халқ таълимининг илк ташкилотчи ва тарғиботчиларидан бири, биринчи бўлиб ўзбек тилида математика атамашунослигини ишлаб чиққан, математика дарсликларини яратган олимдир. Шунинг билан бирга у юртимиздан етишиб чиққан биринчи физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби ҳамдир.

Ажойиб аллома фаннинг қатор соҳаларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Булар ўзининг ижобий самаралари билан фаннинг юксалишида муҳим омил бўлди. Унинг айниқса, математикани ривожлантириш ва уни тарғиб қилишдаги хизматлари ниҳоят улкан. Қори-Ниёзийнинг математика

фани ривожига қўшган ҳиссасини юқори баҳолаган академик В. Рамановский: “Қори-Ниёзий... ҳозирда барча томонидан тан олинган ўзбек математик тилини яратди. Ўзбек халқи чархланган фикр қуролига эга бўлдики, бу унинг кейинги ривожланишида катта роль ўйнайди”, - деб ёзган эди.

Қори-Ниёзий нафақат математикага катта ҳисса қўшган олим, балки Ўрта Осиё мутафаккирларининг бой илмий – маданий меросини ўрганиш, тарғибот ва ташвиқот қилишга муносиб улуш қўшган, фикр қамрови кенг олим сифатида ҳам катта илмий мерос қолдирди. Шу жумладан, унинг жаҳонга машҳур “Улуғбекнинг астрономик мактаби” асари диққатга сазовордир. У нафақат йирик олим ва педагог сифатида, балки жамоат ва давлат арбоби сифатида ҳам ёрқин фаолият олиб борган инсондир. Қори-Ниёзийнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида уч юздан зиёд илмий асари, монографияси ва мақолалари босилиб чиққан. У ўзбек халқи шухратини нафақат ўз юртида балки, 1957 йилда Японияда, 1957-1968 йиллари Францияда, 1964 йилда Италияда, 1966 йилда Болгарияда, 1967 йилда Ҳиндистон ва Афғонистонда бўлиб ўтган халқаро илмий кенгашлари кўз-кўз қилувчи мазмунли маърузалар қилди.

Қори-Ниёзийнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларда уч юздан зиёд илмий асари, монографияси ва мақолалари босилиб чиққан. “Улуғбек ва унинг илмий мероси”, “Босиб ўтилган йўл ҳақида мулоҳазалар”, “Ҳаёт мактаби” каби асарлари сеvimли китобларга айланган.

Қори-Ниёзий Тошкент ирригация ва мелиорация институти ташкил этилган кундан бошлаб, то умрининг охиригача шу илмий даргоҳнинг олий математика кафедрасини бошқариб, кўплаб шогирдлар етиштирди. Унинг фан йўлидаги улкан хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, 1970 йили Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати, 2002 йили Президентимиз Фармони билан “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Тажаддинов, Н. Биринчи профессор // Ҳуррият. – 2010. – 5 май.
2. Убайдуллаев, А. Ўзбек математика терминологиясининг асосчиси // Маърифат. – 2007. – 12 сентябрь.

3. Фозили замон // Қишлоқ ҳаёти. – 1987. – 4 сентябрь.

4. Файзибоев, Э. Ўзбек математик тилини яратган // Ўзбекистон овози. – 2007. – 25 сентябрь.